

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 03/30.12.2019.Т.10.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ ҚОШИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

ФАЙЗИЕВ ШОХРУХ ШАМСИ ЎҒЛИ

**ИССИҚ ВА ҚУРУҚ ИҚЛИМ ШАРОИТИДА БАЖАРИЛАДИГАН
ГЕОДЕЗИК ЎЛЧАШ НАТИЖАЛАРИГА РЕФРАКЦИЯ ТАЪСИРИНИ
АНИҚЛАШ ВА ҲИСОБГА ОЛИШ (Қарши шаҳар мисолида).**

11.00.06 – Геодезия. Картография

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари бўйича фалсафа (PhD) доктори диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Файзиев Шохрух Шамси ўғли

Иссиқ ва қуруқ иқлим шароитида бажариладиган геодезик ўлчаш
натижаларига рефракция таъсирини аниқлаш ва ҳисобга олиш (*Қарши
шаҳар мисолида*)..... 3

Файзиев Шохрух Шамси ўғли

Определение и учет влияния рефракции на результаты геодезических
измерений в условиях жаркого и сухого климата (*На примере города
Карши*).....24

Fayziev SHokhrux SHamsi son

Determination and accounting of the influence of break through on the results of
geodesic measures in a hot and dry climate (*On the example of Karshi
city*).....44

Эълон қилинган ишлар руйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....46

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 03/30.12.2019.Т.10.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ ҚОШИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

ФАЙЗИЕВ ШОХРУХ ШАМСИ ЎҒЛИ

**ИССИҚ ВА ҚУРУҚ ИҚЛИМ ШАРОИТИДА БАЖАРИЛАДИГАН
ГЕОДЕЗИК ЎЛЧАШ НАТИЖАЛАРИГА РЕФРАКЦИЯ ТАЪСИРИНИ
АНИҚЛАШ ВА ҲИСОБГА ОЛИШ (Қарши шаҳар мисолида).**

11.00.06 – Геодезия. Картография

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/T2175 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tiiame.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталига (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Суюнов Абдусали Саматович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Авезбаев Саъдулла Авезбаевич
иқтисод фанлари доктори, профессор,

Абдуллаев Тўлқин Мансурович
техника фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент архитектура-қурилиш институти

Диссертация ҳимояси Тошкент ирригация ва кишлок хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.T.10.02 рақамли Илмий кенгаш асосида тузилган бир марталик илмий кенгашнинг 2021 йил «29» 06 соат 16:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй. Телефон: (+998-71) 237-19-61, 237-22-09, факс 237-54-79, e-mail: admin@tiiame.uz.)

Диссертация билан Тошкент ирригация ва кишлок хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти, Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (128 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (+99871) 237-19-45) e-mail: admin@tiiame.uz.

Диссертация автореферати 2021 йил «17» 06 кунни тарқатилди.
(2021 йил «17» 06 даги 127 рақамли реестр баённомаси).



Т.З. Султанов

Бир марталик илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

А.А. Янгиев

Бир марталик илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, т.ф.д., профессор

С. Авезбаев

Бир марталик илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш ҳузуридаги бир марталик

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси анотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда муҳандислик ва чизиқли иншоотларни лойиҳалашда топографик-геодезик қидирув ишларни олиб боришда замонавий усуллар ва геодезик асбоб ускуналардан фойдаланиш ҳамда уларнинг конструктив хатоликлари таъсирида келиб чиқадиган нуқсонларни камайтириш етакчи ўринлардан бирини эгалламоқда. Дунё миқёсида рақамли геодезик асбоблар, жумладан, тахеометрлардан фойдаланиб геодезик ўлчаш ишларини олиб боришнинг замонавий усулларини амалиётга жорий этишни тақозо этади. Шу жиҳатдан, муҳандислик ва бошқа иншоотларни лойиҳалашда топографик-геодезик қидирув ишларини олиб боришнинг замонавий усуллари ва асбоб-ускуналаридан фойдаланишда рефракция таъсирини камайтириш ва уларнинг ўлчаш аниқлигини янада ошириш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда ишлаб чиқариш ва бошқа объектларни ҳамда иншоотларни лойиҳалашда геодезик ишларни амалга оширишнинг замонавий усулларини такомиллаштириш, геодезик ўлчаш ишларини амалга оширишда аниқлиги юқори, тезкор усуллари ва воситаларини кўллашнинг янги илмий-техникавий ечимларини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, муҳандислик ва чизиқли иншоотларни лойиҳалашда топографик-геодезик қидирув ишларининг аниқлигини ошириш, жойлардаги қуруқ ва иссиқ иқлим шароитида атмосферанинг жуда катта ўзгарувчанлиги натижасида келиб чиқадиган ўлчаш ишлари хатоликларини камайтиришга қаратилган тадқиқотларга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Республикамизда иссиқ ва қуруқ иқлим шароитида шаҳар ҳудудидаги ерларнинг устки қисмида метеопараметрларни суткали ўзгаришининг бошқа ҳудудларига нисбатан анча юқорилиги ва бунда бино ва иншоотларнинг деворлари, асфальт ва бетон қопламаларнинг қуёш нури таъсирида қизиши, ариқлар ва дарёлар ҳамда сув ҳавзалари атрофида, суғорилган томорқаларда буғланишни кучайишини инобатга олиб бу факторларнинг қуруқ ва иссиқ иқлим шароитида горизонтал йўналишларни ўлчашга бўлган таъсирини аниқлаш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...архитектура ва қурилиш комплексини инновацион ривожлантириш, янги саноат корхоналарини қуриш, хизмат кўрсатиш объектларини ишга тушириш...»¹ бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда, жумладан иссиқ ва қуруқ иқлим шароитида бажариладиган геодезик ўлчаш натижаларига рефракция таъсирининг илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлган назарий асослари ва усулларини ишлаб чиқишга

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

қаратилган илмий тадқиқот ишларини олиб бориш муҳим муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида» ва 2017 йил 31 майдаги ПФ-5065-сон «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва кадастри давлат қўмитаси фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги фармонлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг II. «Энергетика, энергия ва ресурс тежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Геодезик ўлчашларга ташқи муҳит таъсири масалалари билан, шу жумладан рефракция ва горизонтал рефракция муаммолари бўйича илмий тақиқот ишлари хорижий давлатларда бир қатор олимлар томонидан тадқиқ ишлари олиб борилган. Булар В.Струве, Л.Фишер, Р.Форстер, Т.Куккамеки, Л.Юнашев, А.Островский, О.Вшивкова, В.Носов, М.Захарова ва бошқалар.

Ўзбекистонда горизонтал рефракцияни геодезик ўлчаш натижаларига таъсири ва уни ҳисобга олишни тадқиқ қилишда асосан А.С.Суюнов, Т.М.Абдуллаев, А.А.Салоҳиддинов, Ш.С.Суюновлар илмий изланишлар олиб боришган ва бу соҳада маълум даражада ижобий натижаларга эришишган. Аммо юқорида келтирилган олимлар ва тадқиқотчиларнинг ишларида янги авлод геодезик асбобларида ўлчаш ишларини олиб боришда талаб этилган аниқликни таъминлаш ва уни ривожлантиришни ҳудудий ташкил этилиши тадқиқ этилмаган.

Республикада янгидан қурилаётган бино ва иншоотлар комплекслари яхлит тарзда геодезик назорат асосида юқори аниқликда, тўғри ва талаб меъёрларида қурилишига катта эътибор қаратилмоқда. Шу жумладан аниқликни ошириш усулини ишлаб чиқиш Ўзбекистоннинг жанубий минтақаларидаги қуруқ ва иссиқ иқлим шароити учун ўрганилмаган. Юқорида номлари зикр этилган олимларнинг илмий ишларида, янги аср технологиялари даврида геодезик ўлчаш натижаларини ривожлантириш билан боғлиқ муаммолар етарли даражада ечимини топмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқотлари Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтининг илмий тадқиқот ишлари режасининг № 6.2 «Йирик сув омборлари ва шаҳар полигонометриясида бажариладиган геодезик ўлчаш аниқликларини таҳлил қилиш» (2013-2018) топшириғи ва № ОТ-Ф4-70 «Ташқи муҳитнинг геодезик ўлчаш ишларга таъсири ва уни ҳисобга олиш» (2013-2019) мавзусидаги лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади қуруқ ва иссиқ иқлим шароитида шаҳарларда геодезик ўлчашларни амалга оширишда ўлчаш аниқлигига горизонтал рефракция таъсирини ўрганиш ва ўлчаш аниқлигини ошириш йўллари тақомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

метеорологик маълумотлар ёрдамида геодезик ўлчаш натижаларини кузатиш объектларида ҳудудий ўрганиш ва ўлчаш натижаларни аниқлигини ошириш усулларини тадқиқ қилиш;

Қарши шаҳри ва унинг яқин атрофида тўпланган дала тажриба материаллари асосида горизонтал йўналишлардаги ўлчаш натижаларига рефракция таъсирини аниқлигига бўлган боғлиқликни ишлаб чиқиш;

иссиқ ва қуруқ иқлим шароитида жой рельефи ва атмосферанинг горизонтал йўналишларни геодезик ўлчаш натижаларига таъсирини ҳисобга олиб, аниқликни оширувчи метеорологик усулини ишлаб чиқиш;

горизонтал рефракция таъсирини камайтириш бўйича ишлаб чиқилган усул ёрдамида асосланган горизонтал ва чизиқли створ йўналишлардаги, ўлчаш аниқликларини ошириш самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқот объекти сифатида Қашқадарё вилоятининг Қарши шаҳри ва унинг атрофидаги ҳудудларда горизонтал йўналишлардаги ўлчашлар, геодезик ва метеорологик натижалар, уларга таъсир этувчи омиллар олинган.

Тадқиқотнинг предметини Қарши шаҳридаги геодезик полигонда дала тажрибаларини ўтказиш, геодезик, метеорологик маълумотлар тўплаш, уларни амалга оширишда фойдаланилган замонавий электрон ўлчаш асбоблари тадқиқот предмети таъкил қилади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида дала ўлчаш ишларининг натижаларини бажариш асосида қуруқ ва иссиқ иқлим шароитида геодезик полигонда ўлчаш натижаларига таъсир этувчи рефракцияни аниқлаш орқали аниқликни оширувчи тузатмаларни ҳисоблаш усули ва тажриба материалларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

геодезик объектлардаги горизонтал йўналишларни ўлчаш аниқлигини ошириш усуллари метеорологик маълумотларнинг горизонтал ва вертикал тақсимланиши асосида тақомиллаштирилган;

иссиқ ва қуруқ иқлим шароитида геодезик ўлчаш ишлари аниқлигига таъсир этувчи омилларни ҳисоблаш усули ҳаво ҳарорати, босими ва намлигини инобатга олиб ишлаб чиқилган;

рефракция таъсирини аниқлаш ва уни ҳисоблаш усули ҳудуднинг жой рельефи, атмосферанинг горизонтал йўналишидаги геодезик ўлчаш натижалари асосида тақомиллаштирилган;

иссиқ ва қуруқ иқлим шароитида рефракция таъсирини инобатга олиб IV синф шаҳар полигонометриясида визир нури 1,5 м баландликдан кам бўлмаганда геодезик ўлчаш хатолиги камайиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

дала тажриба объектларидаги геодезик ўлчаш натижалар ва метеорологик маълумотлар асосида геодезик ўлчаш натижалари аниқлигини ошириш натижаларига эришилган;

Қарши шаҳри ва унинг яқин атрофида тўпланган тажриба материаллари (ҳаво ҳарорати, босими ва намлиги) асосида горизонтал йўналишларни ўлчаш натижаларининг аниқлигига бўлган боғлиқликлар ўрганилган;

қуруқ ва иссиқ иқлим шароитда жой рельефи ва атмосферанинг горизонтал йўналишларни геодезик ўлчаш натижаларига таъсирини аниқлаш ва уни ҳисобга олиб, горизонтал рефракция таъсирини камайтирувчи усул ишлаб чиқилган;

ўлчанган материалларига асосланиб горизонтал рефракция таъсирини камайтириш ва аниқликни ошириш бўйича ишлаб чиқилган усул, горизонтал ва створ йўналишларда, шаҳар ҳудудида бурчак ўлчаш натижаларини инобатга олиб самарадорлиги исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги Ўзбекистон Республикаси ер ресурслари ва давлат кадастри қўмитасининг статистик, геодезик ва картографик маълумотларидан ва тажриба объектида олиб борилган бевосита ўлчаш натижаларида олинган материалларидан фойдаланилганлиги билан асосланади. Асосий тадқиқот натижалари шу соҳанинг тегишли ташкилотлари томонидан берилган далолатномалар билан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти полигонометрия объектларининг ҳудудий ўрганилганлиги ва уларда геодезик ўлчаш натижаларини яхшилаш тизимли такомиллаштирилганлиги, горизонтал рефракция таъсирини камайтириш бўйича ишлаб чиқилган усул асосида ўрганилаётган шароитда горизонтал ва створ йўналишларни ва шаҳар ҳудудида бурчак ўлчаш аниқлигининг оширилганлиги билан изоҳланади;

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Қашқадарё шаҳри ва унинг яқин атрофида қуруқ ва иссиқ иқлим шароитидаги омилларнинг горизонтал йўналишларни ўлчаш натижаларига, шу жумладан, бурчакларни ўлчашга таъсири ҳамда уларнинг ўзаро боғлиқлиги аниқланганлиги ҳамда қуруқ ва иссиқ иқлим шароитида жой рельефи ва атмосферанинг горизонтал йўналишларни ўлчаш натижаларига таъсирини ҳисобга олиб горизонтал рефракция таъсирини камайтириш усули ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Иссиқ ва қуруқ иқлим шароитида бажариладиган геодезик ўлчаш натижаларига рефракция таъсирини аниқлаш ва ҳисобга олиш (Қарши шаҳри мисолида) бўйича олинган натижалар асосида:

метеорологик маълумотларнинг горизонтал ва вертикал тақсимланишини ҳисобга олган ҳолда геодезик объектлардаги горизонтал йўналишларни ўлчаш аниқлигини ошириш усуллари «Давергеодезкадастр»

давлат кўмитаси тасарруфидаги Самарқанд аэрогеодезия корхонасида жорий этилган («Давергеодезкадастр» давлат кўмитасининг 2020 йил 23 июлдаги 02-08-6805-сон маълумотномаси). Натижада, геодезик объектларидаги ўлчаш натижалари аниқлигини 1,5-2 мартага ошириш имкони яратилган;

куруқ ва иссиқ иқлим шароитида геодезик ўлчаш ишлари аниқлигига таъсир этувчи омилларни ҳисоблаш усули «Давергеодезкадастр» давлат кўмитаси тизимидаги «Ўздаверлойиха» институтининг «Қашвилерлойиха» бўлинмасида ишлаб чиқаришга жорий этилган («Давергеодезкадастр» давлат кўмитасининг 2020 йил 23 июлдаги 02-08-6805-сон маълумотномаси). Натижада, Қарши шаҳар ва унинг атрофидаги геодезик объектларида ўлчаш натижаларининг хатолигини камайтириш имкони яратилган;

куруқ ва иссиқ иқлим шароитида геодезик ўлчаш ишлари аниқлигини ошириш усули «Давергеодезкадастр» давлат кўмитаси тизимидаги Сурхондарё “Ермулккадастр” давлат корхонасида ишлаб чиқаришга жорий этилган («Давергеодезкадастр» давлат кўмитасининг 2020 йил 23 июлдаги 02-08-6805-сон маълумотномаси). Натижада, геодезик ўлчов объектларидаги ўлчашлар аниқлигининг 25-30 фоизгача оширилишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 1 та республика илмий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан 3 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 118 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация тадқиқотининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предметлари шакллантирилиб, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари кенг очиб берилиб, тадқиқот натижаларининг жорий қилинганлиги, нашр этилган илмий ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Куруқ ва иссиқ иқлим шароитида шаҳарларда горизонтал рефракцияни тадқиқ қилиш**» деб номланган биринчи бобида горизонтал рефракциясини ҳисобга олишдаги асосий ишларнинг таҳлили,

юқори аниқликдаги бурчак ўлчашларни замонавий геодезик асбоблар ёрдамида амалга оширишда горизонтал йўналишлар (бурчаклар) ва чизик ўлчашларда келиб чиқадиган хатоликлар инструментал хатоликлар эмас, балки, ташқи муҳит ва ундаги горизонтал рефракция таъсирида келиб чиқадиган хатоликлар эканлиги ёритилган. Ушбу ҳодисаларни ўрганиш ва уларни зарарли таъсирларини бартараф этиш фанда ва ишлаб чиқаришда горизонтал йўналишларни ўлчаш, створ кузатишларини олиб бориш боришда ўлчаш аниқлигига таъсир этувчи горизонтал рефракция муаммолари ўрганилган. Шу билан бир қаторда рус олимлари А. Изотов, В. Калугин ва хорижлик Б. Эдлен, Ангус-Леппен ва З. Жанг тадқиқотлари алоҳида таъкидлаш зарур.

Бундан ташқари иссиқ ва қуруқ иқлим шароитида рефракция таъсири ҳар бир станцияда зенит масофаларда тахминий тенглик 90° дан кам фарқланиб, оралик нурунинг эгрилигида ва коллимацион хатоликларда "доимий» таъсирларини кузатиш мумкинлиги аниқланиб, асосий хатолар ичида алоҳида ўлчашлардаги визир чизигини тебраниши келтириб чиқарадиган визирлаш хатоси ва рефракция хатоликлари таҳлил қилинди.

Бундай систематик бурчак хатолари деярли аниқ фактор бўлиб, у ўз йўлида чекли хато эмас. Бу ҳолатларда полигонометрияда рефракция хатолигини ўрганиш муҳим ҳисобланади. Шу билан бирга ушбу бобда инженерлик иншоотларидан (автомобиль ва темир йўлларда, дарё ва деворлар) ёнда горизонтал рефракцияни таъсири ўрганилди.

Маълумки рефракция деб ҳавони турли зичликдаги қатламларидан ёруғлик нуруни (визир чизигини) ўтишида физикавий эгилишини пайдо бўлишига айтилади. Фазовий бурчакни горизонтал текисликдаги ортогонал проекцияга горизонтал бурчак дейилади. (1-расм σ''_A ва σ''_B бурчаклар). Бу тўла рефракциялар иккита ярим рефракция бурчагидан ташкил топади ва у расмдаги $\sigma = 2\delta$ бурчакга тенг.

Ҳаво зичлиги ρ бир қатор аргументлар функциясида ифодаланади:
 ҳаво босими – В; мутоқ ҳарорат – Т; намлик – е. Умуман олганда

$$\rho = f(V, T, e) . \quad (1)$$

Бу ўз навбатида нур йўналишининг синиш коэффициенти n ва ҳаво зичлиги ρ ўртасида қуйидаги боғлиқлигини келтириб чиқаради:


$$n = 1 + c\rho , \quad (2)$$

бу ерда c - доимийлик ва у оқ ранг учун 0,000293 га тенг.

Бино деворларига нисбатан ҳаво ҳароратининг горизонтал градиентлари қайд этилган ва улар деворлар бўйича йўналтирилган бўлиб, девордан ён томонга 1 м га узоқлашганда градиент қиймати $0,7^\circ\text{C}$ га тенг. Бундай градиентни ўрганиш биринчи бор амалга оширилди. Йўналишлардаги горизонтал рефракция таъсири ва қийматлари бино узунлиги бўйлаб ўтади ҳамда чизикли ўлчаш натижаларини аниқлигини пасайтиради. Бу 2017 йил Қарши шаҳрида ўтказилган дала тажрибаларининг натижаларида ўз тасдиқини топган. Тадқиқотда А станциядан учта В, В₁, В₂ нуқталарга ўрнатилган маркаларга бўлган йўналишлар оралиғидаги ҳар

соатда (эрта тонгдан то қаронғилик тушгунча), *Trimble V3dr5* электрон тахеометри билан ўлчанган (1-расм).

Рефракцияда нурнинг эгилиши асосий фактор ҳисобланиб, улар вертикал (вертика текисликда) ҳамда горизонтал (горизонтал теки-сликда) ташкил этувчилар кўринишида ўрганилади. Бунда горизонтал тузилишда нур эгрилиги проекцияси деганда горизонтал текисликда ётган проекцияси тушинилади.



1-расм. Чизикли йўналишда горизонтал рефракция тасирларида ҳосил бўладиган бурчак

Девордан 20 см масофада жойлашган маркалар учун, шамолсиз, булутсиз, иссиқ кун давомида бурчак қийматлари эрталабки температурада биноларни куёшнинг пастки ҳолатидаги таъсир кўрсаткичи ва куёш температураси ўртача ҳолатида деворлар етарлича қизигандаги фарқининг қиймати 17" гача бўлиши; девордан 1 м масофада бўлган маркалар учун эса бу фарқ 6" гача бўлиши тажриба натижаларида аниқланди. Яна шу жойда бурчак қийматларининг суткалик ўзгариш йўли қурилди, кузатувлардаги хусусий, асбоб ва бошқа хатоликлар юзага келиши ўрганилди ва унга қарши курашиш йўли ишлаб чиқилди.

Кундузи бир бурчакни, тунда эса бошқа бурчакни 6 сутка давомида кузатиб, рефракция икки ҳолатда ҳам қолдиқ температура таъсиридаги рефракция ва визир чизигини эгрилиги мавжудлиги аниқланди. Барча натижаларни янада ишончлироқ бўлиши учун далада олиб борилган кузатувлардаги қийматларни ва ўлчанган бурчакларни ўртача қийматлари топилиб, суткалик ўзгариш йўлини графиги тузилди. Унда хатоларнинг қийматлари ҳисобланиб, олинган маълумотлар етарлича ишончли эканлиги кўрсатилди.

Диссертациянинг «Дарё қирғоқлари бўйлаб ётқазилган полигонометрия йўлида горизонтал рефракцияни тадқиқ қилиш» деб номланган 2-бобида метрологик кузатувларни ташкил этиш, қирғоқ бўйи ҳудудларида ва сув сатҳида ҳаво ҳарорати ва намлигининг бир қанча хусусиятлари таҳлил қилиш. Атмосферанинг ерга яқин қатламидаги микроклиматик режими биринчи навбатда кундузги даврда суперадиабатик вертикал ҳарорат градиентлари ва тунги инверсияли ҳароратни тақсимланиши ва горизонтал текисликда уларнинг сезиларли фарқлари бўлиши билан бирга юзага яқин бўлган қатламларида градиентлар янада катта бўлиши аниқланди.

Буларга, геодезик нуқтаи назардан қараганда горизонтал йўналишларни (бурчакларни) ўлчаш аниқлигини ошириш учун горизонтал

рефракция таъсирини ўрганиш асосида уни ҳисобга олиш учун қуйидаги кўрсаткичлар қизиқтиради:

а) ҳаво ҳарорати ва намлигининг горизонтал градиентларини дарё бўйларида, қуруқлик ва сувнинг устки қисмидаги қийматларини аниқлаш;

б) ҳар бир йўналиш бўйлаб, турли шароитда, ҳаво ҳарорати ва намлиги градиентлари кун давомида, соатлар кесимида ўзгариш йўлини ўрганиш;

в) ёруғлик нурунинг фазовий тарқалиш диапозони шаҳар худудидаги дарё ёнбағри устида таҳлил қилиш.

Бу кўрсаткичлар ечимини Қарши шаҳри худудига қарашли Худойзод массивидаги геодезик полигонда 2018-йил июль ва 2019-йил июль-август ойларида ташкил қилинган геодезик экспедиция билан ўтказган тадқиқот - тажриба натижалари тасдиқлади.

Метеорологик кузатувлар учун пунктлар Бешкент дарёсининг чап қирғоқида, очик жой танланди. Пунктлар оқар сувдан 12 м четга жойлаштирилди. Бу дарёга суви Худойзод массивидан унча узок бўлмаган (0,8-1,0 км) жойдан ўтган Чапқирғок каналидан қуйилади. Бу жой ўзининг ноодатий кенглиги, манзараси ва табиий хусусиятларига эга. Кузатув нуқталари ер энининг бир неча ўн метр пастлиги ва тепаликларида жойлашган, қирғоклари паст (2-4 м), рельефи мураккаб, кузатув нуқтаси билан тўғридан-тўғри массивнинг кенглиги дарёнинг қуйи оқимидаги йўналиш 3,5 м га тенг, қирғок кенглиги 30-35 метр ни, қирғок баландлиги эса 3-3,5 метрни ташкил этади. Бу жой Бешкент дарёсининг чап қирғоғи бўлиб, асимметрик, шимолий ва шимоли-шарқ томонга 1-1,5 км гача чўзилган, шунинг учун Бешкент дарёсидан 700-900 м масофада жойлашган нуқталарнинг мутлоқ баландлиги, дарё водийси ўнг қирғоғига яқин бўлиб, дарё ўзанига боғлиқ. 2018 йилда асосий кузатиш участкасида, ҳарорат ернинг юза қисмидан, 0,75 м баландликда, ҳарорат ва намлик эса 1,5 м баландликда ўлчанди. Ҳаво атмосферасининг босими, шамол кучи тезлиги ва унинг йўналиши аниқланди. Осмоннинг ҳолати рўйхатга олиб борилди. Шу билан биргаликда, сув юзаси устида ҳам юқорида кўрсатилган баландликларда ҳавонинг ҳарорати ва намлиги кузатилди, бу кўрсаткичлар ёзиб борилди. Бу ишларни бажариш учун мачтали махсус қайиқчадан фойдаланилди. Мачтага замонавий психрометрлар ўрнатилди. Барча ўлчашлар тадқиқотчи раҳбарлик қилган экспедиция билан биргаликда амалга оширилди.

Далада бажарган тажрибаларни 2019 йилдаги метео ўлчовлар 2018 йилда амалга оширилган кузатувлар билан бирга бир вақтнинг ўзида бурчак ўлчаш ишлари билан чамбарчас боғланган.

Бундан ташқари, 2018 йилда ҳавонинг намлигининг горизонтал градиенти аниқланмаган, 2019 йил эса ҳавонинг ҳарорати ва намлиги градиентлари ва шамол тезлиги аниқланган.

Барча ўлчашлар қўшимча иккита психрометрда амалга оширилган. Психрометрлар ўнг қирғоқда сувдан 15 метр, станциядан эса 50 метр масофада сув қирғоғининг чап тамонида жойлаштирилган. Ўз навбатида, 2018 йилда станциядан 400 м масофада дарёга кўндаланг йўналишда


қўшимча ҳаво ҳарорати ўлчанган. Кузатув чоғида осмон ҳолатини очиклиги 1-жадвалда келтирилган даражалар (белгилашлар) билан қайд этилди. Барча кузатувлар эрталабдан кечгача, баъзан эса суткалаб (24-соат) олиб борилди

1-жадвал


Осмон ҳолатини кўрсатувчи шартли белгилар

Осмонни булутлар билан қопланиш даражаси	Кундуз Кузатиш пунктида		Тунда
	Булутли	қуёшли	
Осмон булутсиз	Б	Қ	0
1/4	Б 1/4	Қ1/4	1/4
1/2	Б 1/2	Қ1/2	1/2
3/4	Б 3/4	Қ3/4	3/4
Осмон тўлиқ булут билан ёпилган	Б	Қ	1,0
Қуёш булутлар орасидан ёритиб турган вақт	Қ-Б		-
Туман	Т		Т

2 ва 3-расмларда, 2018 йилда далада тажриба майдонида бажарилган кузатув натижалари келтирилган, унда дарёнинг ўртасида, сув четидан 5 м узоқликда яъни қуруқликда ва дарё қирғоғини сув сатҳидан 1,5 м баландликда, ҳаво қатламларида ҳароратининг фарқларини суткалик ўзгариш йўлининг тасвири кўрсатилган.



2-расм. Кундузги кузатув натижаларининг ўзгариш йўли



3-расм. Суткалик кузатув натижаларининг ўзгариш йўли

бу ерда: T_k – дарё қирғоқларидаги ҳаво ҳарорати; T_c – сувнинг устки қатламидаги ҳаво ҳарорати. Уларнинг анчагина қиймати, қуёшли кунда 2⁰⁵ гача, сувдан ташқарида (ҳавода) 0⁰⁵ – 1⁰⁰ гача ўзгарувчан. Қийматлардаги фарқлар эрталаб соат 8-9 ларда манфий, кечдан тонггача соат 18 дан 7гача эса мусбат ишора билан. Бунинг сабаби шамол бир йўналишда эсаётганлигидан. (Қуёш чиқиши соат 6³⁰ ларда, ботиши эса соат 20³⁰).

Юқоридаги барча кузатув ишлари булутли, кам булутли (ўзгарувчан) ва осмон очик бўлганда (қуёшли об-ҳавода) 0,5 м/с шамол тезлигида, дарё оқими йўналишида бажарилди.

Куннинг иккинчи ярмида шамол йўналишини ўзгартирмаган ҳолда кучи сезиларли даражада ошди ва 4-5 м/с га етди. Бу боғлиқликни қуйидаги натижалар жадвали кўрсатади (2-жадвал).

2-жадвал

Ҳаво ҳароратининг баъзи ҳолатлар орасидаги фарқлари

Вақт, соат	21-23июль			24-26июль			Ўртачаси		
	1	2	1-2	1	2	1-2	1	2	1-2
7	0	+0,6	-0,6	-0,3	-0,1	-0,2	-0,1	+0,2	-0,3
8	+0,1	+0,3	-0,2	+0,1	+0,3	-0,2	+0,1	+0,4	-0,3
9	+0,2	+0,1	+0,1	+0,5	+0,4	+0,1	+0,4	+0,2	+0,2
10	+0,1	+0,4	-0,3	+0,5	+0,5	0	+0,3	+0,4	-0,1
11	+0,3	-0,2	+0,5	+0,5	+0,8	-0,3	+0,5	+0,3	+0,2
12	-0,1	-0,1	0	+0,7	+0,5	+0,2	+0,3	+0,2	+0,1
13	+0,8	+1,0	-0,2	+0,5	+0,4	+0,1	+0,6	+0,7	-0,1
14	+1,5	+1,2	+0,3	+1,0	+1,0	0	+1,2	+1,1	+0,1
15	+0,4	+0,3	+0,1	+0,2	0,0	+0,2	+0,3	+0,2	+0,1
16	+0,3	+0,2	+0,1	+0,3	+0,3	0	+0,4	+0,2	+0,2
17	+0,6	+0,4	+0,2	+0,4	+0,1	+0,3	+0,5	+0,2	+0,3
18	-0,5	-0,8	+0,3	-0,1	-0,3	+0,2	-0,2	-0,6	+0,4
19	-0,1	0,0	-0,1	-0,1	0,0	-0,1	-0,1	0,0	-0,1
20	-0,2	0,0	-0,2	-0,3	0,0	-0,3	-0,2	0,0	-0,2
21	-0,3	+0,1	-0,4	0,0	0,0	0	-0,1	0,0	-0,1
22	-0,4	+0,1	-0,5	-0,7	-0,6	-0,1	-0,3	-0,2	-0,1

1 Дарёнинг чап қирғоқи ва дарёни ўртаси₁; **2** Дарёнинг ўнг қирғоқи ва дарёни ўртаси₂; **3** Дарёнинг чап ва ўнг қирғоқи ва дарёни ўртаси фарқи₃.

Бу жадвалда ҳаво ҳароратининг баъзи ҳолатларининг фарқлари келтирилган:


- чап қирғоқда ва дарё ўртасида
- ўнг қирғоқда ва дарё ўртасида
- Ҳарорат тўлиқ симметриясида

$$\Delta T_1 = \Delta T_{ч.қ.} - \Delta T_{д.ў.},$$

$$\Delta T_2 = \Delta T_{ў.қ.} - \Delta T_{д.ў.},$$

$$\Delta T_1 = \Delta T_2.$$

Бу шарт 2019 йилнинг, июль ойидаги бир ҳафталик кузатув натижаларининг ўртачаланганидаги хулосалар учун ўринли. Графикдан кўриш мумкин кундуз куни дарёдагига нисбатан қирғоқларда мутлоқ намлик юқори (4-расм).



4-расм. Атмосферада мутлоқ намликнинг кунлик ўзгариш йўли:

1- дарё чап қирғоғида; 2- дарё ўнг қирғоғида; 3- дарё ўртасида


Шамол ҳаво ҳароратларининг фарқларини силлиқ ҳолатга олиб келади. Агар шамол тезлиги 5 м/с.дан юқори бўлса бу фарқларни нисбатан барқарорлиги бузилади. Айти вақтда ўнг қирғоқдаги намлик чапга нисбатан юқорилигини кўриш мумкин. Бунинг сабаби ўнг қирғоқдаги шамолнинг йўналиш бўйича эсаётгани ҳисобланади. Р га нисбатан ён тарафдан эсаётган шамол ҳавонинг ҳарорати ва намлигининг экстремал қийматлари дарёнинг ўртасида эмас балки сув юзасида эканлигида. Дала тажриба натижалари бир вақтнинг ўзида фақат горизонтал градиентларни аниқлаш имконини беради ва қийматларга аниқлик киритди:

1. Ҳаво ҳароратининг горизонтал ва вертикал градиентлари мусбат ва манфий ишораларда бўлиши кузатиш даврларга мос келади. Бироқ, 2018-йилги кузатув ишлари бўйича аниқланганда, горизонтал градиентларнинг эрталаб ва кечкурунги ўзгариши мусбат ишорада бўлди.

2. Сув юзасидагига қараганда қирғоқ грунги устида ҳароратнинг вертикал градиентлари анча юқори (3-5 баробар) эканлиги аниқланди.

Жадвалда келтирилган ҳаво ҳароратлари тўрта нуқтада ўлчанган (иккитаси қуруқликда ,қирғоқ грунги устида 50 ва 150 см баландликда ва иккитаси сув сатҳидан 50 ва 150 см баландликда),олинган натижалардан ҳароратнинг горизонтал ва вертикал градиентларини кўриш мумкин.

Бурчакларни (йўналишларни) ўлчашда аниқлиги уч секундлик электрон тахеометр Trimble V3dr5 асбоби қўлланилди. Кузатиш ишлари, далада Қарши шаҳрининг Худойзод мавзиси ҳудудида 24 кун давомида, 2019 йил 17-июлдан 12-августигача, соат 7:00 дан 20:00 гача олиб борилди. 2018-йил сентябрь ойида пунктлари .



5-расм. Дала тажриба майдонида полигонининг схемаси


Бешкент дарёсининг чап ва ўнг қирғоқида жойлашган бурчакларни иккиламчи ўлчаш ишлари олиб борилди. Бу ерда дарёни эни 60 м ни ташкил этади. Бурчаклар кучсиз шамол эсган об - ҳаво шароитида (5-расм), кундуз куну бир марта 17-20 соатлар оралиғида, градиентларнинг ишораси манфий бўлганда ўлчанди (олинган натижалар 3-жадвалда келтирилган). Жадвалдан кўрамизки кундузги ва тунги ўлчаш натижалари хато чекидан катта. Тузатилган кундузги ва тунги натижаларнинг ўртача қиймати рефракция таъсирида келиб чиққан систематик хатоликларни етарли даражада камайтирганини кўрсатиб турибди.

3- жадвал

Полигонда бурчакларни иккиламчи қийматлари

№ т/р	Кузатилган бурчак қийматлари		фарқлари	Изоҳ
	кундизги	тунги		
1	169 ⁰ 08' 53", 5	169 ⁰ 08' 46", 3	+7" 2	$f_{\beta_{х.ч}} = \pm 6\sqrt{n} = \pm 21''$ Хатолар чеки:
2	278 ⁰ 25' 55", 1	278 ⁰ 25' 39", 0	+16" 1	
3	284 ⁰ 06' 34", 6	284 ⁰ 06' 36", 4	- 01" 8	
4	285 ⁰ 35' 20", 3	285 ⁰ 93' 15", 3	+05" 0	
5	194 ⁰ 42' 40", 2	194 ⁰ 42' 36", 0	+04" 2	
6	178 ⁰ 22' 40", 4	178 ⁰ 22' 34", 3	+06" 1	
7	285 ⁰ 40' 12", 4	285 ⁰ 40' 05", 6	+06" 8	
8	271 ⁰ 37' 23", 3	271 ⁰ 37' 20", 0	+03" 3	
9	279 ⁰ 51' 34", 7	279 ⁰ 51' 37", 2	-02" 5	
10	212 ⁰ 29' 08", 9	212 ⁰ 29' 07", 0	+01" 9	
$f_p = f_{\beta} + 23,3$		-22.8		

Бугунги кунда горизонтал рефракция бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида ўлчаш натижаларидан рефракция таъсирини бартараф этиш усулларини ўрганиб, улар иккита гуруҳга бўлинди метрологик ва геодезик. Бу усуллар тадқиқотларда қўлланилди ва ижобий натижалар олинди (6-расм).



6- расм. Ён таъраф рефракцияси кўрсаткичлари:
 1-ўлчанган бурчак қийматлари; 2-рефракция тузатмалари киритилгандан кейинги қийматлари

Яна бир тадқиқот, бу шаҳар геодезия тармоқларида горизонтал рефракция таъсирини камайтириш учун тузатмаларни аниқлашга қаратилди.

Тадқиқотдан олинган натижаларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этилиши самарали натижалар бериши далаत्मалар асосида тасдиқланди.

Диссертациянинг «**Темир йўллари ва катта атомобил йўллари атрофи-даги ҳарорат майдонларида горизонтал рефракцияни тадқиқ қилиш**» деб номланган учунчи бобида дала тажриба майдонида геодезик ва метеорологик услуби ишлаб чиқилди. Катта асфальт ва темир йўл яқинида геодезик ва метеорологик тажриба ва тадқиқот ишлари Қарши шаҳри худудидаги Худойзод посёлкасида 2017 йил август-сентябрь ойларида олиб борилди. Ҳароратли майдон тавсифи катта асфальт ва темир йўлларда қуйидаги кўрсатилган очик жойларда, автомобиль трассасида, пастликда яъни ўша ерни ўйилма жойларида тадқиқ қилинди. Унда метеорологик кузатувлар йўл яқинидаги полигонометрия йўлининг бешта вақтинчалик станцияларда олиб борилди. Бурчак ўлчаш ишлари эса учта станцияда амалга оширилди. 7-расмда 1, 2 ва 3 метеорологик станцияларда келтирилган. Бурчак ўлчаш асбоблари ва маркаларининг жойлашиши кўрсатилган. Биринчи станция катта йўл ўқидан четда 7 м масофада жойлашган.

Станцияда бир неча йўналишлар танланган. Барча дала геодезик ва метеорологик ўлчаш ишлари шу станцияларда бажарилиб, кейинчалик қайта ишланди, олинган натижалар графикларда ва жадвалларда келтирилди ва таҳлил қилиниб, хулосалар қилинди ва тавсиялар берилди. Катта асфальт ва темир йўлларга яқин жойлашган тадқиқ қилинадиган йўналишларда визир чизиғини ернинг усти қатлампидан ўртача баландлиги тахминан 1, 1,5 ва 2 метрни ташкил этди (7-расм).

Дарё қирғоғига ётқазилган полигонометрия йўлининг 1 ва 3-станцияларида горизонтал рефракцияни тадқиқ қилишда электрон тахеометр ва визирлаш маркалари бетон тумбаларга мустахкам ўрнатилди, ҳарорат

таъсиридан сақланиш мақсадида махсус мосламалар билан ҳимоя қилинди. Асбоблар тўғридан тўғри тушади-ган қуёш радицияси таъсиридан ҳимояланиши учун махсус тайёрланган павильонлар билан жиҳозланди. Бу станцияларда бурчаклар тахеометрлар «Trimble V3dr5» орқали амалга оширилади. 2-станцияда «Карл Цейсс» фирмасининг Theo 010В (оптик микрометр аниқлиги 1" га тенг) теодалити ва 1,2,3,4 йўналишларда визир маркалари ўрнатилди, улар ҳам топозоналар билан ҳимояланди.

Учта станцияда ҳам 1 инчи йўналиш бошланғич, 2 инчи йўналиш назорат йўналиши ва 1-2 бурчаклар эса эталон бурчаклар деб олинди. Бурчакларни ўлчаш ишлари ҳар соатда, аксарият ҳолларда соат 7:00 дан 21:00 гача бўлган вақт оралиғида олиб борилди. Рефракцияни ва бошқа хатоликларни ҳисобга олиш учун уларни йўқотиш йўли ишлаб чиқилди.


Асбобларни текшириш ва уни мукамал ўрнатилиши ҳисобига коллимацион хатолик ва кўриш трубасини айланишидаги горизонтал ўкга перпендикуляр эмаслик хатосини максимал камайтиришга эришилди. Ўлчашлар учун барча талаблар тўлиғича бажарилди. Метео кузатувлар №1, №2, №3, №4 ва №5 станцияларда амалга оширилди, уларнинг натижалари жадвалларда келтирилди. Ҳар бир станциядаги ўлчанган натижалар қайта ишланди ва бу жараёни амалга ошириш учун улар иккита гуруҳга бўлинди:

- «мунтазам об-ҳавода, осмон очик булутсиз кундаги кузатиш»лар.
 - «барқарор об-ҳавода, осмон булутли кунларда ўтказилган кузатиш"лар
- Ҳар бир кузатув гуруҳини ҳам яъна учта кичик гуруҳларга бўлдиқ.


Ниҳоят ҳар бир гуруҳча ҳам учта кузатув қисмларига бўлинди:

- 1) Соат 6:00, 7:00, 8:00, 9:00, 10:00, 11:00, 12:00, 13:00 даги кузатувлар (бу қисмни шартли равишда «эрталабки» деб аталади).
- 2) Соат 14:00, 15:00, 16:00, 17:00, 18:00, 19:00, 20:00, 21:00 даги кузатувлар (бу қисмни эса «кечки» деб атаймиз).
- 3) соат 22:00, 23:00, 24:00, 01:00, 02:00, 03:00, 04:00, 05:00 даги кузатувлар (бу қисмни «тунги» деб аталади).


а) Осмон очик, қуёшли




кечкурун



б) Осмон очик, қуёшли



эрталаб



7- расм. Ҳароратнинг ўртача қийматлари изотермалар бўйича

Жами у ёки бу қисмларда ҳар бири ўн бешта нуқтадаги ҳароратнинг ўлчанган қийматлари йиғиндиси жамланиб, сўнгра олинган натижа берилган қисмлардаги ўлчаш усуллари сонига бўлинади.

Ҳар бир қисм учун ҳароратнинг ўртача қийматлари бўйича катта йўл йўналишига кўндаланг ҳолатда чегараланиб кузатув нуқталарининг тик текисликлардаги изотермалари қурилди. Булар қуйида келтирилган 8-расмда, шунингдек йўл ўқидан 75 ва 150 см баландликда горизонтал чизик бўйича ҳароратли профил (йўналиш)лар кўрсатилган. Изотермалар профиллар орқали куннинг турли вақтларида, ҳар хил об-ҳаво шароитида шамол тезлиги ва йўналиши, юқори ҳароратнинг тарқалиши ўрганилди, улардан фойдаланиш натижасида рефракция тасири 25-30% га камайди. Барча изотермалар уларнинг профиллари тасвирланган чизмаларни кўриб, ҳарорат майдонининг тавсифларини таҳлил қилиш йўллари ишлаб чиқилди.

Ҳаво ҳарорати профиллари бўйича аниқланган ΔT ҳароратининг энг катта фарқлари ва кутилаётган рефракция b'' қийматларини ҳисоблаб шаҳар полигонометриясидаги бурчак ва чизик ўлчаш натижаларини аниқлигини оширишнинг янги усули ишлаб чиқилди. Бу ердаги ўлчашларда ΔT янада каттарок, шу сабаб метеорологик деб аталган бу усул текширилди. Натижа №2 метеостацияда 10 сентябрь, соат 20 даги ўлчашлар бўйича $\Delta X=4,30$ ва $h=75$ см, $\Delta T=1^{\circ}9'$; $h=150$ - $\Delta T=-0^{\circ}4$ учун $\Delta T=1^{\circ}$ бўлди. Ҳароратнинг горизонтал градиентлари $\Delta T/\Delta X$ 1 метр учун $0^{\circ}21$ ва $0^{\circ}18$ С га тенг. Тажриба материалларини кўрсатадики кўриб чиқиладиган усул аҳамиятли, бироқ горизонтал рефракция таъсири тўлиқ компенсацияланмайди.

Шундай қилиб катта автомобиль ва темир йўлларнинг яқинида алоҳида йўналишлар учун рефракция хатолиги 3-4" га, баъзи ҳолларда эса 7-10" га ташкил этади. Полигон чекка нуқталарини 150 см тенг баландлигини

кузатишда ҳаво ҳароратинининг фарқи 75 см га қараганда икки марта кичик эканлиги аниқланди.

Катта автомобил ва темир йўлдаги тор йўлаклар устида шамол кучи йўналишида автотранспорт ёки поезднинг ҳаракатланишидан ҳаво массаларининг енгил аралашмаси ҳосил бўлиши оқибатида ҳарорат майдони барқарорлигини бузилиши келиб чиқади. Буларнинг барчаси ўша жойда бажарилаётган геодезик ишларга горизонтал рефракция бўлиб таъсир этади. Бошқа томондан баландликни камайиши ҳаво ҳароратининг горизонтал градиентларини ошириб юборади. Шунинг учун визир нурини ҳар ҳил баландликлари учун m_r ни аниқлаш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун 1-станцияда, шунингдек 2-станцияда $1-3_n$, $1-3_o$, $1-4_n$, $1-4_o$ бурчакларни ўлчашдаги натижалардан m_r ни аниқлаш мумкин. 4 -жадвалда юқорида қайд этилган йўналишларни 1,0 м; 1,5 м; 2,0 м баландликлардаги кузатишларини ҳисоблаш натижалари келтирилган.

Бунга қўшимча равишда 1- станцияда m_r , осмон қуёшли ва ярим очик бўлган кунлардаги ва вақт оралиғидаги бажарилган кузатувлар натижалари бўйича ҳисобланди.

4-жадвал

m_r ни қийматларини аниқлаш учун олиб борилган кузатувларнинг натижалари

Бурчаклар	m_c	m_o	m_r	Ўлчашлар сони, n	Кузатув саналари
1-Станция $h=2$ м.					
1-2	$\pm 1''10$			40	10,11,12,13-июнь 2017й.
1-3		$\pm 2''11$	$\pm 1''87$	40	10,11,12,13-июнь 2017й.
1-4		$\pm 2''10$	$\pm 1''68$	40	10,11,12,13-июнь 2017й.
2-Станция $h=1,5$ м.					
1-2	$+0''95$			80	6,7,8,9,10,12,13,14-июн, 2017й
1-3 _o		$\pm 3''74$	$\pm 3''23$	30	3,4,5-июнь, 2017й.
1-4 _o		$\pm 2''.57$	$\pm 2''08$	30	3,4,5,6-июнь,2017й.
3-Станция 3 $h=1$ м.					
1-2	$\pm 0''89$			80	6,7, 8, 9,10,12,13,14,15-июнь.
1-3 _п		$\pm 3''.94$	$\pm 3''34$	30	3,4,5-июнь, 2017й.
1-4 _п		$\pm 2''.78$	$\pm 2''61$	30	3,4,5,6-июнь, 2017й.

15.06.2017 йил осмон булутли бўлганда шу станциядаги 1-2, 1-3, 1-4 бурчаклардаги ҳатоликлари мос равишда $\pm 0''49$; $\pm 0''39$; $\pm 0''81$ га тенг бўлди, бундан келиб чиқадики катта автомобиль йўлларда рефракция таъсири деярли икки марта кам. 2-станцияда, осмон булутли , визир нури 1,5 ва 2 м баландликда бўлганда кузатув ишлари амалга оширилди бунинг натижасида m_r нинг қийматлари 3-3,5 баробарга ошди (5-жадвал).

Шундай қилиб, йўналишларда олдиндан ҳисоблаб олинган ҳақиқий ҳатоликлар, горизонтал рефракцияга мос равишда таъалуқли эканлиги кўринади.

Яна шу бобда горизонтал рефракция ва шамолнинг горизонтал бурчак натижаларининг кундузги ўзгариш йўлига таъсири тўғрисида ҳам материаллар берилди. Тажриба кузатувларда кичик рефракцион майдонларда

шамол ҳаво массаларини аралаштириши билан қатламларидаги зичликни меъёрлаштириши натижасида горизонтал рефракция таъсирини камайиши аниқланди.

5- жадвал

Дала кузатувидаги бурчак ўлчаш натижаларида рефракциянинг таъсири

т/р №№	Кузатувлар вақти	Ўлчаш натижалари		$\Delta = \delta_1 + \delta_2$
		3.07.2019	4.07.2019	
1	Эрталабки	73°32'40"9	73°32'38"3	+2"6
2	Куннинг ўртаси	73°32'43"2	73°32'37"5	+5"7
3	Кечки	73°32'38"0	73°32'35"0	+3"0

Катта йўллар бўйлаб, эсаётган шамол йўналишида кузатувлар б-жадвалда келтирилган, натижалардан кўринади куннинг иккинчи ярмида 1-2 бурчакларни ўсиши ва 1-4 бурчакларни камайиши кузатилган.

Шундай қилиб кузатув натижалари, жадвалда келтирилган маълумотлар бизнинг хулосалар тўғрилигини тасдиқлайди. Ишда шу билан бирга Қарши шаҳрининг қуруқ ва иссиқ иқлим шароитида катта йўл ва темир йўл яқинида ўлчанган горизонтал йўналишларни аниқлигини ошириш йўли топилди.

ХУЛОСАЛАР

Иссиқ ва қуруқ иқлим шароитида бажариладиган геодезик ўлчаш натижаларига рефракция таъсирини аниқлаш ва ҳисобга олиш (Қарши шаҳар мисолида) мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган назарий ва тажриба тадқиқотлари натижаларига кўра қуйидагича хулоса қилинди:

1. Шаҳар худудида иссиқ ва қуруқ иқлим шароитида визирлаш нурлари триангуляциядагидек «тўсиқлар устидан» эмас, балки «тўсиқлар орасидан ёки тўсиқларга яқин масофадан» ўтади, шу боис иссиқ ва қуруқ иқлимда горизонтал йўналиш, створ йўналиш ва бурчак ўлчаш натижаларига горизонтал рефракциянинг таъсири триангуляциядагига нисбатан сезиларли даражада каттароқ бўлиши асосланди.

2. Шаҳарларда бурчак ва чизик ўлчашларга рефракция таъсир этиши деворлар атрофидаги ҳаво ҳарорати 35-45 градусга етганда яққол кузатилади. Визир нури бинони қуёш нури ёритиб турган қисмидан ўтса унинг бу йўналишидаги рефракция таъсиридаги хатолиги 2-3" ташкил этиши аниқланди.

3. Горизонтал рефракция иссиқ ва қуруқ иқлим шароитида бурчак ўлчаш натижаларига таъсир этувчи асосий хатоликни тақдирлаб, шаҳар шароитида горизонтал йўналишларни (бурчакларни) тунги ва қуёш нурлари тўғридан-тўғри тушмайдиган булутли ҳавода бажарилиши тавсия этилади, бурчак томонлари (йўналишлар) бино деворлари бўйлаб ўтган ҳолларда ўлчаш ишларини қуёш ботадиغان пайтларда амалга оширмаслик қайд этиб ўтилади.

4. Ҳар қандай юзадаги иссиқлик ва радиацион мувозанатлар, компонент қийматлари ва тавсифлари бўйича фарқланиб, дарё атрофидаги ер усти ҳаво қатламини микроклиматик режимига олиб келиши, бу омиллар кучли рефракция майдонларини келтириб чиқариши аниқланди ва кўриб чиқиладиган шароитда рефракция майдонини пайдо бўлишида намлик градиентларининг таъсири, ҳарорат градиентлари таъсиридан ўн марта кичик эканлиги асосланади.

5. Сув сатҳидан ўн метр масофада, дарё ёқаларида ётказилган трасса йўлининг (300-400 м ўртача узунликда) йўналишларини ўлчашда горизонтал рефракция таъсири 4", 4,5" гача хатолик келтириб чиқаради деган хулосага келинди. Бурчакларда бу қиймат икки карра кўп бўлади. Кузатувлар учун энг қулай вақт эрталабки ва кечқурунги даврлар ҳисобланиб, ҳарорат градиентлари нолга яқин бўлганда бурчакларни минимал хатолик билан ўлчаш имкони яратилади.

6. Катта автомобиль йўллар ва темир йўллар яқинида шунингдек, йўллар устидан ўтадиган алоҳида йўналишларга горизонтал рефракция таъсирини сезиларли даражада бўлиши мумкинлиги кўрсатилди. Экспериментал тадқиқотларни кўрсатишича хаттоки очиқ ҳавода шамол яхши эсиб ўтадиган жойларда рефракцияни геодезик ўлчаш натижаларига таъсири визир нури баландлиги 1,5 м бўлганда $\pm 4''$ гача бўлиши, визир нури ернинг устки қисмига яқинлашиши рефракция таъсирида келиб чиқадиган хатолигини ошириши дала тажрибалари асосида аниқлаш имкони яратилди.

7. Катта автомобиль ва темир йўллар яқинида ҳудудий рефракция хатолигини келиб чиқишида асосий сабаб бу ҳаво қатламининг пастки қисмида қуёшнинг жазирамасида қизиб кетиши ҳисобланиб, 1,5 ва 0,75 м баландликларга 0'8 ва 1'5 ни ташкил этади. Умуман олганда, йўл ўқидан узоқлашиш ҳароратларни пасайиши етарлича сокинлашади, ҳаво ҳароратининг максимал қийматлари эса йўл ўқи устида фақат шамол автомобиль йўллари бўйлаб эсганда ва шамолсиз об-ҳаво шароитида пайдо бўлади. Тарқоқ ҳаво массалари автомобиль йўллари ўқидан шамол йўналиши бўйича 10-20 м ва шамолга қарши йўналишда эса 20-30 метрга тарқалгани асослаб берилди.

8. Иссиқ ва қуруқ иқлим шароитида автомобиль ва темир йўллар устида, 0,75 м баландликда ва унинг яқинидан ўтадиган йўналишлар учун, IV синф шаҳар полигонометрияси талаблари рефракция таъсири инobatга олинмаган ҳолат учун етарли даражада эмаслиги кўрсатилди. Шу сабаб тадқиқ қилинаётган шароитда визир нури 1,5 м баландликдан кам бўлмаслиги тавсия этилди.

9. Ушбу ишда бажарилган тадқиқотлар ва тажрибалардан олинган натижалар асосида тавсия қилинган усул билан геодезик ўлчаш натижаларига таъсир этувчи рефракция оқибатида келиб чиқадиган хатоликларидан ҳолис бўлиш имконияти мавжудлиги исботланди ва илмий ишни жорий қилиш тўғрисидаги далолатнома ва актлар билан таъкидлаш имконияти яратилди.

**РАЗОВЫЙ УЧЕНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Т.10.02 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ИНСТИТУТЕ ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И МЕХАНИЗАЦИИ
СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА**

**САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ АРХИТЕКТУРНО-
СТРОИТЕЛЬНЫЙ ИНСТИТУТ**

ФАЙЗИЕВ ШОХРУХ ШАМСИ УГЛИ

**ОПРЕДЕЛЕНИЕ И УЧЕТ ВЛИЯНИЯ РЕФРАКЦИИ НА РЕЗУЛЬТАТЫ
ГЕОДЕЗИЧЕСКИХ ИЗМЕРЕНИЙ В УСЛОВИЯХ ЖАРКОГО И
СУХОГО КЛИМАТА (На примере города Карши)**

11.00.06 – Геодезия. Картография

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PHD) ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент-2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2021.1.PHD/T2175

Диссертация выполнена в Самаркандском государственном архитектурно-строительном институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.ttiame.uz) информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziyo.net.uz.

Научный руководитель:	Суюнов Абдусали Саматович доктор технических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Авезбаев Саъдулла Авезбаевич доктор экономических наук, профессор Абдуллаев Тўлкин Мансурович доктор технических наук, доцент
Ведущая организация:	Ташкентский архитектурно-строительный институт

Защита диссертации состоится «19» 06 2021 года в 16⁰⁰ часов на заседании разового Научного совета DSc.03/30.12.2019.T.10.02. при Ташкентском институте инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства по адресу: 100000, г. Ташкент, ул. Кары Ниязий, 39, тел.: (99871) 237-19-61, 237-22-09, факс: 237-54-79, e-mail: admin@ttiame.uz.

С докторской диссертацией (PhD) можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского института инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства. (регистрационный номер 199). Адрес: 100000, г. Ташкент, улица Кары Ниязий, 39, тел.: (+99871 237-19-45).

Автореферат диссертации разослан «17» 06 2021 года.
(Реестр протокола рассылки № 122 от «17» 08 2021 года).



Т.З. Султанов
Председатель разового научного Совета
по присуждению ученых степеней,
доктор технических наук, профессор

А.А. Янгиев
Ученый секретарь разового научного Совета
по присуждению ученых степеней,
доктор технических наук, профессор

С.Авезбаев
Председатель разового научного семинара при разовом
научном Совете по присуждению ученых степеней,
доктор экономических наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире использование современных методов и геодезического оборудования при проведении топографо-геодезических изысканий при проектировании инженерных и линейных сооружений, а также снижение дефектов, вызванных под влиянием конструктивных ошибок их проектирования, занимает одно из ведущих мест. Это требует внедрения в практику современных методов проведения геодезических съемочных работ по всему миру с использованием цифровых геодезических инструментов, в том числе тахеометров. В связи с этим использование современных методов и оборудования при проведении топографо-геодезических изысканий при проектировании инженерных и других сооружений важное значение имеет снижение влияния рефракции и дальнейшего повышения точности их измерений.

В мире проводятся научно-исследовательские работы направленные на совершенствование современных методов проведения геодезических работ при проектировании производственных и других объектов, а также сооружений, разработку новых научно-технических решений для применения высокоточных, скоростных методов и инструментов при проведении геодезических измерительных работ. В связи с этим особое внимание уделяется исследованиям, направленным на повышение точности топографо-геодезических изыскательских работ при проектировании инженерных и линейных сооружений, снижение погрешностей измерительных работ, вызванных в результате экстремальной изменчивостью атмосферы в условиях сухого и жаркого климата.

В Республике осуществляются широкомасштабные мероприятия по определению влияния факторов на измерение горизонтальных направлений в условиях сухого и жаркого климата с учетом того, что изменение суточных метеопараметров поверхности земли в пределах города намного выше, чем в других районах и при этом стены зданий и сооружений, асфальтовые и бетонные покрытия нагреваются под воздействием солнечных лучей, увеличения испарения из каналов и рек, а также вокруг водоёмов, орошаемых приусадебных участков в условиях жаркого и сухого климата. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы определены важные задачи по «...инновационному развитию архитектурно-строительного комплекса, строительству новых промышленных предприятий, запуску объектов обслуживания...»¹. При осуществлении данных задач, в том числе, важным является проведение научно-исследовательских работ, направленных на разработку теоретических основ и методов научно-практического значения рефракционного воздействия на результаты геодезических измерений, выполненных в условиях жаркого и сухого климата.

¹ Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года. УП-4947 « О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

